

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**ШНҚ 2.07.06-24 «ШАҲАР КЎЧА-ЙЎЛЛАРИ. ПИЁДА МИНТАҚАЛАРИ 2-ҚИСМ»
ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**
**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 17 январда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 327]**

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 23 апрелдаги 231-сон «Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.07.06-24 «Шаҳар кўча-йўллари. Пиёда минтақалари 2-қисм» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 27 декабрь,
01/2-85-сон
Келишилди:

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М. ОЛЛОЁРОВ

2024 йил 18 декабрь

Транспорт вазири И. МАХКАМОВ

2024 йил 11 декабрь

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири
А. АБДУХАКИМОВ**

2024 йил 5 декабрь

ШНҚ 2.07.06-23 «Шаҳар кўча-йўллари. Пиёда минтақалари 2-қисм» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) шаҳар кўча-йўлларида пиёда минтақаларини лойиҳалашга оид талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚнинг талаблари шаҳар кўча-йўлларида автотранспорт ҳаракатини ташкил этиш, автобус йўлакларлари ва бекатларини лойиҳалаш ҳамда жиҳозлашга нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 2.07.01-23 «Аҳоли пунктларининг ҳудудларини ривожлантириш ва қуришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш»;

ШНҚ 2.05.02-23 «Автомобиль йўллари. Лойиҳалаш талаблари»;

ШНҚ 2.05.03-22 «Кўприклар ва қувурлар»;

ШНҚ 2.07.02-22 «Қурилиш объектларини ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кексалар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштириш»;

ШНҚ 2.04.18-22 «Шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли яшайдиган жойларни ташқи ёритиш»;

ҚМҚ 2.04.03-19 «Канализация. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар»;

ГОСТ 52289-2004 «Йўл белгилари, белгилар, светофорлар, йўл тўсиқлари ва йўналтирувчи қурилмалардан фойдаланиш қоидалари» (*расмий манба: Правила применения дорожных знаков, разметки, светофоров, дорожных ограждений и направляющих устройств*);

О‘z DSt 3644:2023 «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари. Пиёдалар ўтиш жойлари»;

СанҚваМ 0008-20 «Турар жойларда, жамоат биноларида, аҳоли яшаш ҳудудларида ва дам олиш зоналарида рухсат этилган шовкин даражасининг санитария қоидалари ва меъёрлари».

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Мазкур ШНҚда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

велосипед йўлкаси — алоҳида йўл ёки конструктив жиҳатдан қатнов қисми ва тротуардан ажратилган йўлнинг таркибий қисми бўлиб, тегишли йўл белгиси билан белгиланади;

пиёдалар йўлкаси — пиёдалар ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган, тегишли йўл белгиси билан белгиланган алоҳида йўл ёки сунъий иншоот юзаси. Транспорт воситалари ҳаракати тақиқланган қисми;

турли сатҳдаги пиёдалар ўтиш жойлари — пиёдаларга йўлларнинг қатнов қисмида ҳаракат қилмасдан йўлнинг қарама-қарши томонига (қатнов қисмига чиқмасдан) ўтиш имконини берувчи сунъий иншоот;

пиёдалар минтақаси — ўзида пиёдалар, велосипед йўлкаси ҳамда яшил майдонларни мужассам этган, шунингдек турли сатҳдаги пиёдалар ўтиш жойлари орқали пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракат қилиши учун мўлжалланган ҳудуд.

3-боб. Велосипед йўлкаларига қўйиладиган талаблар

1-§. Асосий талаблар

3. Велосипед йўлкаларини лойиҳалашда қуйидагилар инобатга олиниши лозим: велосипед йўлкасининг режаси ва бўйлама профиль элементларининг қийматлари мазкур ШНҚнинг 1-иловасига мувофиқ бўлиши;

рампаларнинг максимал қиялиги 80% дан ошмаслиги ҳамда велосипед рампасини пиёдалар рампаси билан бирлаштирганда, умумий нишаблик пиёдалар рампасига тенг бўлиши;

велосипед йўлкасининг кўндаланг қиялигининг максимал қиймати 20% дан ошмаслиги ҳамда велосипед йўлидан ёки велосипед камаридан ёмғир ва эриган сув оқимини чиқиб кетишни таъминлаши;

велосипед йўлкаси бўйлаб 2,5 м дан паст бўлган йўл белгилари ва реклама тахталарини ўрнатишга йўл қўйилмаслиги;

велосипед йўлкаси четидан транспорт иншоотлари таянчлари ва дарахтларгача бўлган хавфсизлик масофаси ШНҚ 2.07.01-23 га мувофиқ бўлиши;

велосипед ҳаракатини тартибга солиш ва велосипед йўлкаси четида махсус йўл белгиларини ГОСТ 52289-2004 га мувофиқ ўрнатилиши.

4. Йўл бўйлаб жойлашган ён ариқларни велосипед йўлкасидан велосипедчилар ҳаракатига ҳалақит бермайдиган панжаралар (бордюр) ёрдамида ажратиш лозим.

2-§. Ҳаракат йўналиши бир томонлама велосипед йўлкалари

5. Велосипед йўлини тартибга солиш велосипедчиларни автомобиль оқимларидан ажратиш ва велосипедда ҳаракатланиш хавфсизлиги ҳамда қулайлигини ошириш ҳисобга олиниши керак.

6. Бир томонлама велосипед йўллари қуйидаги талабларга асосан лойиҳаланиши лозим:

бир тасмали бир томонлама велосипед йўллари кўча-йўл шароитларига кўра энг кўп ҳаракат жадаллиги (куннинг тиғиз) вақтида 400 велосипед/ҳ ташкил қилганда бир тасмали бир томонлама велосипед йўлкасининг кенглигини 1,20 м, ҳаракат жадаллиги 400 велосипед/ҳ дан ошганда эса 2,0 м;

йўлнинг қатнов қисми четида алоҳида майдонда велосипед йўлкасини лойиҳалаётганда, йўлнинг ҳар икки томонида камида 0,5 м кенгликдаги хавфсизлик масофасини ҳисобга олган ҳолда.

7. Велосипед йўлкасининг кўндаланг ва бўйлама профилининг, шунингдек баландлик ва ёндош йўлак ўлчамлари ушбу ШНҚнинг 1-иловасида келтирилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

8. Қатнов қисмининг ёқасида велосипед йўлкасини лойиҳалашда қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

йўлнинг қатнов қисми ёқасида бир хил сатҳда жойлаштирганда автомобиль йўллари тасмаси кенглигини инобатга олиб камида 0,75 м бўлган ажратувчи чизиқ бўлиши;

велосипед йўлкаларини пиёда йўлкалари билан биргаликда режалаштирганда велосипед йўлкалари белгилари ёки ранглари билан ажратилиши;

велосипед йўлкаси тротуар ёки пиёдалар йўлкасидан 5 см пастда лойиҳаланганда хавфсизлик масофаси камида 0,3 м кенгликда режалаштирилиши.

9. Велосипед йўлкаларини пиёда йўлкалари билан биргаликда режалаштирганда йўлакларнинг эни пиёдалар ва велосипедчиларнинг ҳаракат жадаллигига боғлиқ ҳолда лойиҳаланиши лозим.

Йўлкаларни пиёдалар ва велосипедчиларнинг ҳаракат жадаллигига боғлиқ ҳолдаги кенглигини ушбу ШНҚнинг 2-иловасига мувофиқ бўлиши керак.

10. Велосипед йўлқалари йўлнинг қатнов қисми билан бир сатҳда лойиҳаланганда автотранспорт оқимининг руҳсат этилган тезлигини инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши зарур.

11. Шаҳар кўча-йўлларида пиёда йўлкаси билан велосипед йўлкаси бир сатҳда биргаликда лойиҳаланганда йўлқаларининг кенглиги ушбу ШНҚнинг 3-иловасига мувофиқ бўлиши лозим.

12. Велосипед йўлқалари қатнов қисмининг четларини бошқа велосипед йўллари ёки автомобиль йўлининг қатнов қисми билан кесиб ўтишда умумлаштирувчи радиуси қуйидагича бўлиши керак:

магистраль велосипед йўлларда — 5,0 m;

туман ва маҳаллий йўлларда — 2,5 m.

3-§. Ҳаракат йўналиши икки томонлама велосипед йўлқалари

13. Ҳаракат йўналиши икки томонлама велосипед йўлқаларини қатнов қисмининг бир томонига ёки алоҳида ер участкасига лойиҳалаш ушбу ШНҚнинг 4-иловасига мувофиқ бўлиши керак.

14. Ҳаракат йўналиши икки томонлама велосипед йўлқаларини лойиҳалашда қуйидагилар инобатга олиниши лозим:

икки томонлама икки тасмали велосипед йўлкасининг умумий кенглиги ушбу ШНҚнинг 5-иловасида келтирилган жадвалга мувофиқ қабул қилиниши;

велосипед йўлкасини алоҳида ер участкасида лойиҳалашда йўлнинг ҳар икки томонида 0,5 m кенгликдаги хавфсизлик тасмаси билан ажратилиши;

кўндаланг ва бўйлама кесимнинг, шунингдек баландлик ва ёндош йўлак ўлчамлари ушбу ШНҚнинг 1-иловасига мувофиқ бўлиши.

15. Шаҳар-кўча йўлларидаги икки томонлама велосипед йўлкасининг кўндаланг кесимини икки томонлама нишаблигини таъминлашда ернинг рельефи ва дренаж тизими талабларига риоя қилиш зарур.

16. Велосипед йўлқаларини қопламаси ШНҚ 2.05.02-23 га мувофиқ бўлиши керак.

17. Велосипед йўлқаларининг қоплама юзасини ёритиш ШНҚ 2.04.18-22 га мувофиқ бўлиши лозим.

18. Велосипед йўлқалари қатнов қисми билан бир сатҳда лойиҳаланганда йўл бўйлаб ёпиқ турдаги сув қочириш тизимлари ҚМҚ 2.04.03-19 га мувофиқ бўлиши керак.

19. Велосипед йўлкасини пиёда йўлқалари билан ажратган ҳолда лойиҳалаш қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

етарли кенликка эга пиёдалар йўлкаси ёки уни кенгайтириш имконияти мавжуд бўлганда;

магистраль ва туман аҳамиятидаги кўча-йўлларда велосипед йўлакларини шакллантиришда ёки бир метрлик кенликдан 1 h ичида ўтувчи пиёдалар сони 100 ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда.

4-боб. Пиёда йўлқалари ва минтақалари

1-§. Пиёдалар йўлкаси

20. Шаҳар кўча-йўлларида пиёда йўлқаларини кўчанинг иккала четида ҳам лойиҳалаштиришга йўл қўйилади.

21. Пиёда йўлқаларини лойиҳалашда қуйидаги кўрсаткичларни инобатга олиш керак:

пиёдалар ҳаракати учун қулайлик;

тўсиқсиз ҳаракатни таъминлаш;

йўлканинг тозалиги ва хавфсизлиги;

коммунал тўсиқлар бўлмаслиги.

22. Якка тартибдаги уй жойларнинг кўчалари ва тор кўчаларнинг кўндаланг кесимида, пиёда йўлкасини бино бўйлаб ётқизилган тўшама (отмостка) билан биргаликда лойиҳалашга йўл қўйилади.

Велосипед йўлкаларини эса бино бўйлаб ётқизилган тўшама (отмостка)да лойиҳалашга йўл қўйилмайди.

23. Пиёдалар йўлкалари биноларнинг деворларига, тиргак деворларга ёки тўсиқларга туташганда, уларнинг кенглиги камида 0,5 m га оширилиши керак.

24. Аҳолиси 3 минг кишидан ортиқ бўлган кўп қаватли турар жой бинолари гуруҳларига олиб борувчи пиёда йўлкалари ШНҚ 2.07.01-23 га мувофиқ лойиҳаланиши керак.

25. Транспорт воситаларининг ҳаракатланишини инобатга олиб пиёдалар йўлнинг ҳар икки томонидан ҳаракатланган ҳолларда пиёдалар йўлкаларини боғловчи пиёда ўтиш жойларини режалаштириш лозим.

26. Қизил чизиклар ёқалаб жойлашган пиёдалар йўлкаси ҳамда кўча қатнов қисмидан бир сатҳдаги ҳамда ер ости пиёда ўтишларида ҳаракат йўлакчасининг нормадаги ўтказувчанлиги ушбу ШНҚнинг 6-иловасига мувофиқ олиниши керак.

27. Пиёдалар йўлкаси маълум тўсиқларни (кўча чироқлари устунлари, химоя тўсиқлари, дарахтлар) ўз ичига олганда унинг кенглигини қўшимча равишда 0,5 m га оширилишига йўл қўйилади.

28. Шаҳар кўча-йўлларининг турли классификациядаги кўчалари учун пиёдалар йўлкаси кенглигини ушбу ШНҚнинг 7-иловасига мувофиқ олиниши зарур.

29. Пиёда йўлкаларининг бўйлама нишаблиги 60 %, мураккаб рельефли шароитларда 80 % ошмаган ҳолда қияликлар узунлиги 300 m дан ошмаслиги лозим.

30. Пиёда йўлкаларини ёритиш ШНҚ 2.04.18-22 га мувофиқ бўлиши керак.

2-§. Турли сатҳдаги пиёдалар ўтиш жойлари

31. Шаҳар кўча-йўлларида турли сатҳдаги пиёдалар ўтиш жойларини лойиҳалашда қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

пиёдалар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракат хавфсизлиги;

ҳаракат қулайлиги;

транспорт тизимини истиқболли ривожланиши.

32. Турли сатҳдаги пиёдалар ўтиш жойлари қуйидаги ҳолларда лойиҳаланишига йўл қўйилади:

узлуксиз ҳаракатдаги шаҳар аҳамиятидаги магистраль кўчаларда;

ҳаракат бошқарилмайдиган кўчаларда;

йўлнинг қатнов қисми минимум 14 m дан катта ўлчамдаги кўчаларда;

пиёдалар ҳаракати жадаллиги 1500 одам/ҳ дан ортиқ бўлган кўчаларда;

ўнг томонга ҳаракат бошқарилмайдиган чорраҳаларда, бунда ҳаракат жадаллиги (ўнг томон учун) 300 авт/ҳ дан ортиқ бўлса.

33. Ер устки ва ер ости пиёдалар ўтиш жойларида болалар ва ногиронлиги бўлган шахслар аравачаси ҳаракатланиши учун ШНҚ 2.07.02-22 га мувофиқ пандус ўрнатилиши зарур.

34. Пандуснинг ҳар бир кўтарилиш қисми бошланишида, унинг кенглигидан кам бўлмаган горизонтал майдонлар ШНҚ 2.07.02-22 га мувофиқ лойиҳаланиши керак.

35. Ер ости пиёдалар ўтиш жойидаги пандуснинг умумий кенглиги ШНҚ 2.07.02-22 га мувофиқ бўлиши керак.

36. Пиёда ер ости йўлакларига тушиш ва чиқиш ҳамда пиёда ер ости йўлакларининг энг кам эни ШНҚ 2.07.01-23 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

37. Пиёдалар ҳаракати жадаллигидан қатъий назар ҳар хил сатҳда пиёдалар ўтиш жойларини лойиҳалашга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

ҳар хил турдаги транспорт-ўтказиш тугунлари (метро, темир йўл)да;

ташриф буюрувчилар кўп бўлган жойлар (истироҳат боғлари, стадион), ҳаракат жадаллиги юқори бўлган кўчаларнинг иккала томони бўйлаб жойлашган ҳудудларда;

шаҳар аҳамиятидаги магистраль кўча-йўлларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш зарурияти туғилган ҳолларда;

пиёдалар билан транспорт оқими ҳаракати ўртасида тартибсизликлар юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда.

38. Ер ости йўлаклари баландлиги 2,5 m дан кам бўлмаслиги, бунда уларнинг бўйлама нишаблиги 40 %о дан ошмаслиги ҳамда кўндаланг нишаблиги 2 %о дан кам бўлмаслиги керак.

39. Ер усти ва ер ости пиёдалар ўтиш жойларининг ўтказувчанлик қобилятини ошириш ҳамда пиёдалар, жумладан кексалар, таянч ҳаракатида нуқсони бор ва ўриндиқли аравачада ҳаракатланувчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракат қулайлигини яратиш мақсадида ҳаракатланувчи тротуарлар ва эскалаторлар ўрнатилишига йўл қўйилади.

Бунда, ҳаракатланувчи тротуарлар ва эскалаторлар икки томонлама йўналишга эга бўлиши лозим.

40. Ер усти ва ер ости пиёдалар ўтиш жойларида ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кексалар, ўриндиқли аравачада ҳаракатланадиган ногиронлиги бўлган шахслар, ёш болалар аравачасини етаклаб ҳаракатланадиган серқатнов жойлардаги пиёдалар ўтиш жойларида лифтлар ўрнатилиши лозим.

Ер ости ва ер усти пиёдалар ўтиш жойларида лифт ва пандус бўлмаган ҳолатларда ўриндиқли аравачадаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланиши учун махсус кўтарувчи қурилмалар ўрнатилиши керак.

41. Ер усти ва ер ости пиёдалар ўтиш жойларининг сув қочириш тизимлари ҚМҚ 2.04.03-19 га мувофиқ ёпиқ турдаги дренажлар орқали амалга оширилиши керак.

42. Ер ости пиёдалар йўлакларини ёритиш ШНҚ 2.04.18-22 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

43. Пиёдалар кўпригининг кўндаланг кесими элементларини лойиҳалашда қуйидагилар инобатга олиниши керак:

пиёдалар ҳаракати асосий қисмини, бунда истиқболдаги пиёдалар оқими;

тўхтаб турувчи пиёдалар учун кўприкнинг ҳар икки томонидан ажратиладиган бўлак, кенглиги 0,8 — 1,2 m бўлган қисм;

икки томонидан кўприк тўсиғигача бўлган хавфсизлик қисми лойиҳаланиши ва унинг кенглиги 0,5 m дан кам бўлмаслиги.

44. Пиёдалар кўприги учун 0,75 m ли йўлакчаниннг ўтказувчанлик қобиляти 800 одам/ҳ таъминлаши лозим.

45. Пиёдалар кўпригининг пиёдалар ҳаракатланадиган йўлкасининг энг кичик кенглиги 3,0 m, энг катта бўйлама нишаблиги 30 %о, мураккаб шароитларда 40 %о гача, кўндаланг нишаблиги эса 15 — 20 %о бўлиши керак.

46. Йўллар ва аҳоли пунктларидаги кўчаларда кўприклар учун кўприк ости габарити ШНҚ 2.05.03-22 га мувофиқ бўлиши лозим.

47. Пиёдалар ўтиш жойларини ёритиш О‘з DSt 3644:2023 га мувофиқ бўлиши керак.

48. Пиёдалар кўприкларнинг юк кўтариш қобиляти ШНҚ 2.05.03-22 га мувофиқ бўлиши керак.

3-§. Пиёда минтақалари

49. Пиёда минтақалари кўп миқдордаги пиёдалар оқимини кун давомида хавфсиз ва қулай ҳаракатларини таъминлаши лозим.

50. Пиёда минтақаларини асосий пиёда ҳаракати йўналишларида режалаштиришга йўл қўйилади.

51. Пиёда минтақаларини лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

шаҳар марказида кўча-йўл тармоғидаги мавжуд бульвар ҳудудида лойиҳалашни;

шаҳар марказидаги майдонлар мажмуасида шакллантиришни;

жамоат — ишчи ва савдо ҳудудларида, шунингдек асосий савдо кўчаларида режалаштиришни;

пиёда минтақалари (йўли) нинг умумий узунлиги 4 km дан ошмаслиги;

кенглиги 10 m дан 30 m гача бўлиши;

пиёдалар ҳудудидан бекатгача бўлган масофа 400 m дан ошмаслиги.

Пиёда минтақалари кўндаланг кесими таркибида тротуар (пиёдалар йўлкаси) билан минтақа ҳудуди биргаликда лойиҳаланишига йўл қўйилади.

52. Пиёда минтақалари ҳудуди махсус тошлар ёки плиталар билан қопланиши, бунда қўлтиқтаёқли ва ўриндиқли аравадаги ногиронлиги бўлган шахслар ҳаракатланишини қийинлаштирадиган сочма ва йирик таркибли материаллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Бетон плитали қопламаларнинг хусусиятлари ва махсус рангли белгиларга эга бўлган ҳолда ШНҚ 2.07.02-22 га мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

53. Пиёдалар йўлаги бўйлаб ҳар 5 — 10 m ораликда ўриндиқларни режалаштириш керак.

54. Ҳудуддан келиб чиқиб пиёда минтақаси ҳудудида болалар майдончалари, очик кафеларни режалаштиришга йўл қўйилади.

55. Пиёда минтақалари бўйлаб пиёдалар йўлкаси, болалар майдончаси ҳамда очик кафеларни бир сатҳда ва бир турдаги қоплама туридан лойиҳалашга йўл қўйилади.

56. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракати учун йўлакларни ШНҚ 2.07.02-22 талабларига мувофиқ лойиҳалаш лозим.

57. Пиёда минтақаларида велотранспорт ҳаракати учун алоҳида велосипед йўлқаларини лойиҳалашга йўл қўйилмайди.

58. Пиёдалар йўлаги бўйлаб ҳар 20 — 30 m ораликда чиқинди қутилари режалаштиришга йўл қўйилади.

59. Пиёда минтақаларининг ҳар иккала тарафида кўкаламзорлаштириш ҳудудини лойиҳалаш лозим.

60. Пиёда минтақаларини кўкаламзорлаштириш ШНҚ 2.07.01-23 га мувофиқ бўлиши керак.

61. Пиёда минтақалари (майдонлари)ни ушбу ШНҚнинг 8-иловасидаги 1 ва 2-расмларига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

5-боб. Атроф муҳит муҳофазаси

62. Ўтиш жойлари бўлмаган (ҳалқа йўллари) атрофида жойлашган аҳолиси 3 мингдан ортиқ турар жой ҳудудларини автотранспорт шовқинидан ҳимоялаш мақсадида йўл бўйлаб шовқин қайтарувчи қурилмаларни режалаштиришга йўл қўйилади.

63. Шаҳар кўча-йўллари бўйлаб экилган дарахтларни пиёда ва велосипед ҳаракатига тўсқинлик қилмаслигини таъминлаш керак.

64. Транспорт оқимининг шовқин даражаси СанҚваМ 0008-20 да белгиланган нормалардан ошмаслиги лозим.

65. Ҳудуддаги дарахт ва буталар ҳамда яшил майдонларга зарар етказмаслик, дарахт ва буталар атрофи бетонлаб ташланмаслиги лозим.

Режа ва бўйлама профиль элементларининг қийматлари

Режа элементи ва бўйлама профиль	минимум	ўртача	максимум
Худуддаги ҳисобий тезлик, km /h	15	20	30
Тўхташ учун энг кичик кўриш масофаси*, m	15	22	40
Энг қатта бўйлама қиялик, ‰	80	60	40
режадаги эгриликнинг энг кичик радиуси: вираж мавжуд бўлмаган ҳолда, m	15	50	75
вираж мавжуд бўлган ҳолда**, m	10	20	30
Вираж қиялиги, ‰ радиусда:			
10 — 20 m	30	дан ортиқ	дан ортиқ
20 — 50 m	20	40	40
50 — 100 m	20	30	30
		20	20
Бўйлама профилдаги эгриликнинг энг кичик радиуси:			
қаварик, m	400	500	600
ботиқ, m	100	150	200

Изоҳ:

* энг кичик кўриш масофаси тормоз масофаси формуласи бўйича ҳисобланади.

$Stn = V \cdot tr + V^2/2a$, қуйидаги тахминларни ҳисобга олган ҳолда: велосипедчининг реакция вақти $tn=2$ s, ўртача секинлашув $a = 1,5$ m/C².

** Бурилишни велосипед йўлларида алоҳида майдонда ташкил қилишга йўл қўйилади.

ШНҚ 2.07.06-24 «Шаҳар кўча-
йўллари. Пиёда минтақалари
2-қисм» шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
2-ИЛОВА


**Велосипед йўлкасини пиёда йўлкаси билан биргаликда режалаштирганда
йўлчаларнинг ўтказиш қобилияти**

Фойдаланиш мумкин бўлган умумий тротуар кенглиги	1 h (соат)да ҳаракатланадиган велосипедчилар + пиёдалар сони	Улардан пиёдалар сони
> 4,6 m	150	≥100
> 3,0-4,0 m	100	≥60
> 4,0 m	70	≥100

**Пиёда ва велосипед йўлқаларини бир сатҳда биргаликда лойиҳаланганда
йўлқаларининг кенглиги**

Т/р	Кўча-йўл номлари	Пиёдалар ва велосипед йўлкаси бир сатҳда лойиҳаланганда кенглиги m
1.	Шаҳар аҳамиятидаги магистраль кўча-йўллар: Узлуксиз ҳаракатдаги Бошқариладиган ҳаракатдаги	4,2 (3+1,2)
2.	Коллектор йўллари (жамловчи кўчалар)	4,2 (3+1,2)
3.	Туман аҳамиятидаги йўллар	-
4.	Маҳаллий аҳамиятидаги кўча ва йўллар	4,2 (3+1,2)
5.	Турар жой ҳудудлари (маҳалла) ички йўллари (боши берк кўчалар)	-
6.	Турар жой ҳудудлари (мавзе, даҳа) йўллари	-
7.	Жамоат ишчи савдо ҳудудлари йўллари	7,0 (5+2)
8.	Тижорат ҳудудлари йўллар	4,6 (3+1,6)
9.	Саноат ҳудуди (зонаси) йўллари	5,0 (3+2)
10.	Ўтиш жойлари бўлмаган йўллар (ҳалқа йўллар)	3,7-6,2 (2,5+1,2) (5.0+1,2)

ШНҚ 2.07.06-24 «Шаҳар кўча-
йўллари. Пиёда минтақалари
2-қисм» шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
4-ИЛОВА



ШНҚ 2.07.06-24 «Шаҳар кўча-
йўллари. Пиёда минтақалари
2-қисм» шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
5-ИЛОВА

Икки томонлама икки тасмали велосипед йўлининг кенглиги

Ҳар бир йўналишда битта бўлакли икки томонлама велосипед йўлининг кенглиги, м		
минимум	ўртача	максимум
2,50	3,00	4,00

ШНҚ 2.07.06-24 «Шаҳар кўча-
йўллари. Пиёда минтақалари
2-қисм» шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
6-ИЛОВА

Пиёдалар йўлкаси ҳаракат йўлакчасининг норматив ўтказувчанлик қобилияти

Пиёдалар коммуникацияси элементлари	Битта йўлакчанинг ўтказувчанлик қобилияти одам/h
Қизил чизик бўйлаб дўконлар мавжуд бўлганда	700
Дўконлар яшил йўлакча билан ажратилган ҳолда	700 — 800
Яшил майдонлар оралиғида	800 — 1000
Пиёдалар ва сайр қилувчилар йўллари	600 — 700
Бир сатҳли кесишувдан ўтиш	1200 — 1700


**Шаҳар кўча-йўлларининг турли классификациядаги кўчалари учун пиёдалар
йўлкасининг кенглиги**

Т/р	Кўча-йўл номлари	Пиёдалар ҳаракат жадаллиги (24/ҳ)	Пиёдалар йўлкаси кенглиги
1.	Шаҳар аҳамиятидаги магистрал кўча-йўллар: Узлуксиз ҳаракатдаги Бошқариладиган ҳаракатдаги	< 5000 — 10000	3,0 — 3,5
2.	Коллектор йўллари (жамловчи кўчалар)	< 5000 — 10000	3,0 — 3,5
3.	Туман аҳамиятидаги йўллар	< 5000	3,0
4.	Маҳаллий аҳамиятидаги кўча ва йўллар	< 5000 — 10000	3,0 — 4,0
5.	Турар жой ҳудудлари (маҳалла) ички йўллари (боши берк кўчалар)	< 4000 — 5000	2,25 — 2,5
6.	Турар жой ҳудудлари (мавзе, даҳа) йўллари	< 5000 — 7000	2,5 — 3,7
7.	Жамоат ишчи савдо ҳудудлари йўллари	< 10000 — 15000	5,0 — 6,0
8.	Тижорат ҳудудлари йўллар	< 5000 — 6000	2,5 — 3,0
9.	Саноат ҳудуди (зонаси) йўллари	< 5000 — 10000	3,0 — 5,0
10.	Ўтиш жойлари бўлмаган йўллар (ҳалқа йўллар)	< 5000 — 10000	2,5 — 5,0

ШНҚ 2.07.06-24 «Шаҳар
кўча-йўллари. Пиёда
минтақалари 2-қисм»
шаҳарсозлик нормалари ва
қоидаларига
8-ИЛОВА



1-расм. Пиёда минтақалари (майдонлари)нинг жойлашув схемаси



2-расм. Пиёда минтақалари (майдонлари)ни режалаштиришга намунавий лойиҳалар